



РЕСПУБЛИКАМИЗДА СОЯ ЎСИМЛИГИНИ ЕТИШТИРИШ МУАММОЛАРИ ВА ЕЧИМЛАРИ

Аллашова Мехрибану
КМУ 2-курс таянш докторант

Аннотация: В статье анализируются проблемы возделывания сои в нашей республике и вносятся предложения по их решению.

Annotation: The article analyzes the problems of soybean cultivation in our republic and makes proposals for their solution.

Ер юзида глобал иқлимнинг ўзгариши, аҳоли сонининг доимий равишда ортиб бориши ва саноатнинг ривожланиши ҳисобига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талаб ҳам ортиб бормоқда. Мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда турли тупроқ шароитларига чидамли соя навларини экилиши етиштириладиган соя дони маҳсулотларининг кўпайишига олиб келади. 2030 йилга келиб дунёда соядан етиштириладиган дон ҳосили 371,3 млн. тоннага етиши кутилмоқда.

Соя ўсимлиги умумий экилаётган майдонга нисбатан Америка қўшма штатларида 32 фоиз, Бразилияда 31 фоиз ва аргентинада 18 фоиз майдонда етиштирилмоқда.

Соядан олинадиган ҳосилдорликни янада ошириб бориш учун уни парваришlash агротехнологияларини такомиллаштириб бориш, жумладан, уни мақбул экиш муддати, кўчат қалинлиги ва ўғитлаш меъёрларини ҳар бир ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитларидан келиб чиққан ҳолда тўғри белгилаш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Ҳозирги кунда дунё деҳқончилигида соя етиштириш бўйича етакчилик қилувчи мамлакатларда ҳар бир ҳудуднинг тупроқ - иқлим шароитларидан келиб чиқиб асосий ва минерал ўғитлар билан озиқлантиришни тўғри йўлга қўйилиши ҳисобига юқори ва сифатли дон ҳосили олишга эришилмоқда.

Янги яратилаётган соя навларини муайян ҳудуд учун мослаштириш, тупроқ шароитидан келиб чиққан ҳолда озиқлантиришни мақбуллаштирилиши ҳисобига гектаридан олинадиган ўртача дон ҳосилдорлиги ошириб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу сабабли турли тупроқ-иқлим шароитларида соя навларидан барқарор ҳосил етиштиришда унинг мақбул экиш муддатлари ва озиқлантириш меъёрларини ишлаб чиқиш бўйича олиб бориладиган илмий тадқиқот ишларига алоҳида аҳамият берилмоқда. Соя экинини экиш ва ундан мўл ҳосил етиштиришда тупроқ унумдорлиги ва сув таъминоти яхши бўлган майдонларни танлаб олиш мақсадга мувофиқ бўлади.



Соя ўсимлигини экишдан аввал тупроққа ишлов беришда майдонни бегона ўт қолдиқларидан яхшилаб тозалаш, текислагич мосламалар билан сифатли текислаш, экин учун берилиши керак бўлган фосфорли, калийли минерал ўғитлар 100 фоиз берилишини таъминлаш керак. Ҳар бир экин учун фосфорли ва калийли ўғитларни тупроқнинг ҳайдов қатламига кўмилиши ўсимликнинг бу ўғитлардан фойдаланиш самарасини оширади.

Маълумки, қишлоқ хўжалик ўсимликларидан юқори ҳосил олиш учун, муайян ўсимлик навларининг биологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда агротехник тадбирларни ўз муддатларида ва сифатли ўтказиш зарур. Соя навларини асосий ва такрорий экин сифатида етиштириш, экин муддатлари ва минерал ўғитлар меъёрлари ҳамда уларнинг етиштириш агротехнологияларини ўрганиш бўйича хорижда Г.Лавриненко, Г.Бондер, Л.Николаевич, J.Vonk, C.Miranda, R.Matthew, M.Bermudez, N.Kellar, республикамизда Х.Атабаева, Д.Ёрматова, Б.Халиков, А.Иминов, З.Ҳафизова, У.Нематов, Г.Шадиева, Б.Саимназаров, И.Абитов, О.Сотторов, З.Исламовалар томонидан бир қатор илмий-тадқиқот ишлар олиб борилган.

Қорақалпоғистон Республикасининг ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида соя навларини асосий ва такрорий экин сифатида етиштиришда агротехника элементлари, хусусан озиқлантириш меъёрларига боғлиқ ҳолда илмий-тадқиқот ишлари етарлича олиб борилмаган.

Адабиётлардан маълумки, Қорақалпоғистон Республикаси Қизилқум чўлининг шимолий-ғарбий, Устюрт плотасининг жанубий-шарқий қисми ҳамда Амударё дельтасида жойлашган. Орол денгизининг жанубий қисми Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида жойлашган бўлиб, Орол денгизи томон пасайиб борувчи кенг ясси текислик мавжуд.

Шунингдек, баландлиги 75 м дан 100 м гача бўлган қатор тепа ва қумли барханлар учрайди. Орол денгизининг қуриб бораёиганлиги ҳудуд иқлимининг ўзгаришига таъсир этмоқда.

Шу сабабли Қорақалпоғистон Республикасининг иқлими кескин континентал бўлиб, қиш ойлари совуқ, ёз ойлари ўта иссиқ ҳамда ёғингарчилик миқдорининг кам бўлиши билан ҳарактерланади. Иқлим шароитининг кескин континенталлиги ҳудуднинг жанубидан шимолига томон кучайиб боради.

Қорақалпоғистон Республикаси шароитида қишлоқ хўжалиги экинларини экишга кечки баҳорда кузатиладиган совуқлар катта хавф туғдиради. Фойдали ҳароратлар йиғиндисининг катта қисми кечроқ содир бўлади, март ойининг охири ва апрел ойининг бошида ҳаво ҳарорати 10-15 °C дан ошмайди. Кейинчалик эса ҳаво ҳароратининг кескин кўтарилиб кетиши натижасида ўсимликларнинг амал даври бўйича керак бўладиган фойдали ҳароратлар йиғиндиси 2660-2780 °C бўлиб, иссиқ кунлар давомийлиги 201-208 кунни ташкил этади.



Шу боис минтақадаги суғориладиган ерларнинг барчаси турли даражада шурланганлигини, сув захираларининг чекланганлигини ва тупроқларнинг унумдорлиги пасайишини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги экинларини алмашлаб экишнинг илмий амалий табақалаштирилган тизимини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий қилиш ўта муҳим вазифалардир. Соя ўсимликларини парваришлаш унча мураккаб эмас.

Тупроқни юмшатиш ва майсаларни бегона ўтлардан ҳимоя қилишдан, кейинчалик эса экинларни суғориш ва озиқлантиришдан иборат.

Соянинг майсалари дастлабки кунларда секин ўсганлиги сабабли асосий эътибор далани бегона ўтлардан тозалашга қаратилади. Ўсимликларда биринчи ва иккинчи чин барглари шаклланиганда биринчи култивация ўтказилади, қатор ораларига кейинчалик ишлов бериш бегона ўтлар пайдо бўлиши ва минерал ўғитлар беришга қараб ўтказилади. Соя минерал ўғитларга сезгир ўсимлик ҳисобланади.

Сояни озиқлантириш тизими уруғларни экиш даврида ва ўсимликларнинг вегетация даврида минерал ўғитларни беришдан иборат. Ўрганилган соя навлари етиштирилганда минерал ўғитлар 2 марта берилди: уруғларни экиш даврида, қолган ярми эса ўсимликларда гуллашнинг бошланиш даврида ишлатилди.

Соя ўсимлигини барг орқали да озиқлантириш ишлари олиб борилди. Унумдорлиги паст тупроқларда соя ўсимлиги гуллашнинг бошланғич даврида озуқа элементларига жуда муҳтож бўлади. Соя ўсимлиги гуллашдан дуккаклари пишгунча сувга талабчан булади, сув етишмаса гуллари ва дуккаклари тўкилади, ва ҳосилдорлик камаяди. Шунинг учун соядан юқори ҳосил олиш учун етарли меъёрга суғориш зарур.

Хулоса қилиб айтганда соя ўсимлигини Республикамиз тупроқ иқлим шароитларига мос келадиган янги гибрид навларни яратиш ва уларни етиштириб, мўл ҳосил олиш, қайта ишлаб бошқа турдаги табиий, сифатли ва бошқа янги турдаги маҳсулотлар олиб, ушбу ишларни янада ривожлантирсак, иқтисодиётимизни янада тараққий этишга улкан ҳисса қўшган буламиз.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги " 2017-2021 йилларда Республикада соя экишни ва соя дони етиштиришни кўпайтириш чора тадбирлари туғрисида"ги ПҚ-2832-сонли қарори.
2. Сулаймонов Б.А., Атабаева Х.Н., Тиллаев Р ва бошқалар. Соя экинини етиштиришни биласизми? (Қўлланма). –Тошкент, 2017.
3. <https://agronet.uz/ozbekistonda-soia-etishtirish/>